



БУЙРУҚ № 01-48

2019 йил « 18 » январь

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ижро интизоми назорати бўлими (Ф.Мирзаев) икки кун муддатда мазкур Фармон билан таркибий бўлинмалар бошлиқларини таништирсин ва ижросини назоратга олсин.

3. Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш Давлат тест маркази раҳбарияти ва мансабдор ходимларининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

4. Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган Давлат тест марказининг чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Халқаро рейтинглар бўйича фаолиятни амалга ошириш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш учун Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими (А.Каримов) масъул этиб тайинлансин.

6. Ижро интизоми назорати бўлими (Ф.Мирзаев)га Давлат дастурининг тегишли бандлари бажарилиши мониторингини олиб бориш ва унинг ижроси юзасидан (кунлик, ҳафталик, ойлик) маълумотларни тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

7. Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати ҳар ҳафта Давлат тест марказининг аппарат йиғилишида муҳокама қилиб борилиши белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Директор

М.Каримов

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросини таъминлаш бўйича Давлат тест марказининг ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Давлат дастурда белгиланган вазифалар	Амалга ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар	Сарф харажатлар (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари
1.	Коррунциянинг олдин олиш ва унга қарши курашишнинг самарали механизмларини яратиш (4-банд).	Давлат тест марказида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ички дастур ишлаб чиқиш; фуқароларнинг мурожаатларидан келиб чиқиб ва коррупцияга шароит яратувчи ҳолатларни ўрганган ҳолда уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш; Давлат тест марказида коррупцияга қарши курашиш комиссиясининг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф тайёрлаш.	2019 йил 1 апрель	Ижро интизоми назорати бўлими (Ф.Мирзаев)	-	-
2.	Давлат бошқарувининг замонавий усуллариин кенгайтириш (13-банд).	Давлат тест марказининг тузулмасини ва штатлар сонини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш юзасидан таклиф тайёрлаш.	2019 йил 1 сентябрь	Танлов комиссияси (К.Ҳакбердиев)	-	-
3.	Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш (14-банд).	Давлат тест марказини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш; кадрларни танлашнинг самарали шакллари ва услубларини жорий қилиш.	2019 йил 1 октябрь	Давлат тест марказининг таркибий бўлимларидаги бўш турган (вакант) лавозимларга юқори малакали мутахассисларни танлаб	-	-

		кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва фаолиятини мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш; янги тайинланган раҳбар кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш.		кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва фаолиятини мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш; янги тайинланган раҳбар кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш.		олиш бўйича танлов комиссияси (К.Хакбердиев), Таркибий бўлиналар бошликлари		
4.	Замонавий давлат бошқарувини босқичма-босқич жорий қилиш (15-банд).	Ходимларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва услублари ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (KPI) жорий қилиш; меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий тизимини яратиш. Бунда ойлик иш ҳақини ходим томонидан қилинаётган ишлар, уларнинг натижадорлиги, сифати, мураккаблиги, амалиётда тўғри ишлаётганлиги ва бошқа мезонлардан келиб чиқиб белгилаш.	2019 йил 1 октябрь	Давлат тест марказида ходимларни моддий рағбатлантириш ва устама ҳақ белгилаш бўйича комиссия (К.Хакбердиев)				
5.	Тармоқлар фаолиятини самарали бошқаришда стратегик таҳлил, режалаштириш ва прогноз тамойилларига асосланган узоқ муддатли давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш (17-банд).	Белгиланган штаплар доирасида Марказда стратегик таҳлил ва прогнозлаштириш тузилмасини ташкил этиш юзасидан тақлиф тайёрлаш.	2019 йил 1 ноябрь	Давлат тест марказининг таркибий бўлимларидаги бўш турган (вакант) лавозимларга юқори малакали мутахассисларни танлов олиш бўйича танлов комиссияси (К.Хакбердиев)				
6.	Худудларни ободонлаштириш тизимини янада такомиллаштириш (22-банд).	Давлат тест маркази худудини ободонлаштириш чораларини кўриш.	2019 йил 1 март	Ишлар бошқармаси (У.Абдиназаров)				
7.	Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш (44-банд).	Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси лойиҳасига тақлифлар тайёрлаш.	2019 йил 1 декабрь	Юридик бюро (Х.Элмуродов)				
8.	Маъмурий тартиб-таомилларни тизимлаштириш ва соддалаштириш (72-банд).	Мавжуд маъмурий тартиб-таомилларни ҳатловдан ўтказиб, ягона ҳужжатда жамлаш ҳамда алоҳида қабул қилинган регламент ва	2019 йил 1 декабрь	Юридик бюро (Х.Элмуродов)				

	<p>қарорларни бекор қилиш юзасидан таклиф тайёрлаш.</p> <p>Босқичма-босқич давлат буюртмаси ва табақалаштирилган тўлов-контракт тизимини жорий этиш орқали олий таълим муассасаларини ўзини таълим молиялаштириш тизимига ўтказиш; олий таълим муассасаларини молиявий тартибга солувчи хужжатларни қайта кўриб чиқиш орқали олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлашни назарда тутиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>2019 йил 1 июль</p>	<p>Тест синовларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси (У.Норалиев)</p>	<p>-</p>	<p>-</p>
9.	<p>2019/2020 йилидан бошлаб давлат буюртмаси ва табақалаштирилган тўлов-контракт тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали олий таълим муассасаларини ўзини таълим молиялаштириш тизимига ўтказиш, уларга молиявий масалаларда мустақиллик бериш (221-банд).</p>	<p>2019 йил 1 апрель</p>	<p>Тест синовларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси (У.Норалиев), Тест синовларини ташкил этиш ва назорат қилиш бошқармаси (Д.Кўчқоров), Тест синовларининг дастурий-техник таъминоти бўлими (Б.Ражабов)</p>	<p>-</p>	<p>-</p>
10.	<p>2019/2020 йилидан бошлаб абитуриентларга бир вақтнинг ўзида бир неча олий таълим муассасасига хужжат топшириш имкониятини бериш (222-банд).</p>	<p>2019 йил 1 май</p>	<p>Тест синовларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси (У.Норалиев), Тест синовларини ташкил этиш ва назорат қилиш бошқармаси (Д.Кўчқоров), Тест синовларининг дастурий-техник таъминоти бўлими (Б.Ражабов)</p>	<p>-</p>	<p>-</p>
11.	<p>2019/2020 йили қабулдан бошлаб босқичма-босқич давлат хизматлари марказлари орқали олий таълим муассасаларига хужжат қабул қилиш тизимини йўлга қўйиш (224-банд).</p>	<p>2019 йил 1 май</p>	<p>Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлаш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>-</p>	<p>-</p>

12.	<p>Ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентларга алоҳида квоталар ажратиш ва шу квота доирасида тест синовларини ўтказиш (225-банд).</p>	<p>Ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентларга тегишли ўқув йили учун тасдиқланган олий таълим муассасаларига қабул квоталари доирасида алоҳида квоталар ажратиш ва тест синовларини ўтказиш; ҳарбий қисм командирининг тавсияномаси фақат ҳарбий олийгоҳлар учун имтиёзга эга бўлишини назарда тутиш юзасидан норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	2019 йил 1 май	<p>Тест синовларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси (У.Норалиев), Тест синовларини ташкил этиш ва назорат қилиш бошқармаси (Д.Кўчқоров), Тест синовларининг дастурий-техник таъминоти бўлими (Б.Ражабов)</p>	-	-
-----	---	--	-------------------	--	---	---